

Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья М.Кадиров

Биринчи инстанция судининг
судьяси: С.Бўтаев

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди
апелляция инстанциясининг
А Ж Р И М И

2019 йил апрель ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Камолов, судлов ҳайъати судьялари Ф.Халилов ва М.Кадировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Эргашовнинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори Л.Сайфуллаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати [REDACTED] ва унинг адвокати Б.Чиллабаевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2019 йил 15 февралдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED], 1989 йил 19 апрелда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Хатирчи тумани, “Тасмачи” маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан ҳар ой сайин иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

[REDACTED] 1990 йил 17 сентябрда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Навоий вилояти, Хатирчи тумани, “Тасмачи” маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан ҳар ой сайин иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланганга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан [REDACTED] томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2018 йил 17 ноябрь куни соат 21 ларда жамоат жойи ҳисобланган, Хатирчи тумани “Парвоз нур” тўйхонасида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, маст ҳолатда тўй маросимида ижро этилаётган мусиқага рақсга тушиши давомида фуқаро [REDACTED] туртилиб кетиши натижасида ўзаро тортишиб қолиб, Ж [REDACTED] ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб урмоқчи бўлганида, шу ерда бўлган фуқаролар ажратиб қўйишига қарамасдан, безорилик ҳаракатларини давом эттириб, жамоат жойи ҳисобланган “Парвоз нур” тўйхонасига ён томонда кириш эшиги олдидаги коридорда [REDACTED] ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, юз соҳасига бир неча марта қўли билан уриб-дўппослаб, Хатирчи тумани СТЭБнинг 2018 йил 26 ноябрдаги №1162-сонли ҳулосасига кўра Ж.Пардаевга чап қулоқ супраси олд соҳасида шилинмалар каби енгил тан жароҳат етказиб, безорилик жиноятини қасддан содир қилган.

[REDACTED] 2018 йил 17 ноябрь куни соат 21 ларда Хатирчи тумани, “Тасмачи” МФЙда жойлашган “Парвоз нур” номли тўйхонада тўй маросимида ижро этилаётган мусиқага рақсга тушиши давомида ўзига олдиндан таниш бўлган К [REDACTED] туртилиб кетиши натижасида тортишиб қолишиб, тўйхонадан ташқаридаги холи жойга бориб, тортишувни давом эттириб, [REDACTED] қасддан уриб Хатирчи тумани СТЭБнинг 2018 йил 1 декабрдаги №1171-сонли ҳулосасига кўра [REDACTED] бош мия чайқалиши, бурун суяги синиши, бош энса соҳасидаги, бурун эгари устида лат яралар, пешона чап томонидаги шилинмалар, ўнг кўз олмасидаги, чап кўз олмасидаги қонталашлар каби жароҳат етказиб, соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

[REDACTED] апелляция шикоятда, у биринчи инстанция судида [REDACTED] билан ярашувга норозилигини билдириб, оғир жазо тайинлашни сўраган бўлсада, суд томонидан [REDACTED] нисбатан енгил жазо тайинлангани, олган жароҳати юзасидан туман тиббиёт бирлашмасида ётиб даволангани 630.000 сўмни ташкил этгани, бироқ суд 260.020 сўм моддий зарар ундириш ҳақида ҳулосага келгани ҳақида важлар келтириб, [REDACTED] ҳаракатларини ЖК 277,105-моддаларига қайта малакалаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, етказилган 630.000 сўм моддий зарарни [REDACTED] ундириб бериб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, вилоят судининг судьяси М.Кадировнинг маърузасини, вилоят прокуратураси бўлим прокурори Л.Сайфуллаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати Б.Чиллабаевларнинг ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати Ш.Юсуповларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

_____ содир қилганликдаги айблари, гарчанд _____ айбига иқрорлик билдирмаган бўлсада, судланувчи _____ дастлабки тергов ва судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, гувоҳлар А.Тожиев, Норов Ғолиб, Ғ.Норов, О.Мавлонбердиев, Р.Болиев, Н.Болтаев, Н.Шодмонов, Ш.Исомиддинов, Ш.Абдуғаниев ва Д.Райимовларнинг судда берган кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, экспертиза хулосалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи _____ шикоятдаги _____ ҳаракатларини ЖК 277,105-моддаларига қайта малакалаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳамда етказилган 630.000 сўм моддий зарарни _____ ундириб бериб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важлари билан қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

_____ Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси травматология бўлимида ётиб даволанган даврида ўз ҳисобидан олган дори-дармонлари ва уларнинг сони тўғрисида ишда икки хил маълумот мавжудлиги боис мазкур ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Хатирчи туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилинганида, туман тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 15 апрелдаги №06-01/423-сонли хатида, _____ даволанган вақтда ўз ҳисобидан 13 турдаги дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиб олганлиги тўғрисида травматолог Ф.Бобожонов ва бош врач ўринбосари Х.Халиловлар томонидан тасдиқланиб берилган туман тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 4 февраль санасидаги 97-сонли маълумот хати тўғри эканлиги маълум қилинган.

Биринчи босқич суди, айнан ушбу маълумот хати асосида _____ етказилган моддий зарарни ҳисоблаб ундирилишини белгилаб асосли тўхташга келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан _____ жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат жойида _____ ҳаракатлари ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан, _____ ўрталарида келиб чиққан низо замирида _____ қасддан уриб унга соғлигининг қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказишда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланиб, уларга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилинган ҳолда мазмунан тўғри жазо тайинланган.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра шикоятда келтирилган важлар билан келишиб бўлмайди.

Суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 478, 490, 496, 497¹³, 497¹⁸-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2019 йил 15 февралдаги

га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, судланувчи Қ.Юлдашевнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Судланувчи Қ.Юлдашевга келгусида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ш.Камолов

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

Ф.Халилов

/имзо/

М.Кадиров

Аслига тўғри,